

**Иқтисодий базис түшүнчалар мазусига тегищли масалалар ечими**

1.Маълум бўлишича, “ABS” нефть компанияси кунига 150 тонна маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беради. Компания фақат 2 турдаги маҳсулотлар бензин ва дизел ёқилғисини ишлаб чиқаради. Дизел ёқилғисининг бензинга нисбатан чекли трансформация коэффиценти - 0.5 га тенг.

- а) Бензин ва дизел ёқилғиси учун компаниянинг 1 ойлик ишлаб чиқариш имконияти чизифи чизилсин.

б) Янги технология келиши билан ишлаб чиқариш ҳажми 20% га ва бензин олиш имконияти олдингига нисбатан 30% га ортди. Компаниянинг янги ишлаб чиқариш имконияти чизиги олдингисидан қандай фарқ қилишини изоҳланг?

в) Агар, бензин ишлаб чиқаришни графикнинг X ўқига жойлаштирадиган бўлсак, ишлаб чиқариш имконияти чизигининг ётиқлик коэффиценти олдинги ишлаб чиқариш имконияти чизиги ётиқлик коэффицентидан неча foизга фарқ килади?

ЕЧИМИ:

Дизель ёқилғисининг бензинга нисбатан чекли трансформация коэффициентини формула кўринишига келтирамиз:

$$\text{ЧТК} = \frac{Q_d}{Q_b} = 0,5; \quad Q_d = 0,5 * Q_b$$

“ABS” нефть компанияси кунига 150 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришини қуидагича ёзамиш:

$$150 = Q_d + Q_h$$


Чекли трансформация коэффициенти формуласидан фойдаланиб бензин ишлаб чиқариш ҳажмини ҳосил қиласиз:

$$150 = 0,5Q_h + Q_h$$

$$Q_b = \frac{150}{15} = 100;$$

$$Q_d = 0,5 * 100 = 50$$

**a)** “ABS” нефть компанияси 30 кунда факат дизель ишлаб чиқарса максимум 1500 тонна ва дизель ишлаб чиқармасдан ресурсларини бензин ишлаб чиқаришга сарфласа, у холда 3000 тонна бензинга эга бўлади.



$$\text{в)} \quad \text{ЧТК} = \frac{Q_d}{Q_b} = \frac{1800}{3900} = 0,46$$


**2.** Робинзон кимсасиз оролда истиқомат қилади. Кун давомида у кокос ва балиқ ови билан шуғулланиб ҳаёт кечиради. Агар Робинзон бир соатлик вақттини кокос теримига сарфласа 10 та кокос ёнғоги ёки худди шу вақт оралиғида 5 кг балиқ овлаши мүмкін. Робинзон бир кунда 8 соат мәхнат қилишини инобаттаға олсақ, Робинзоннинг бир кунлик ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги графикда акс эттирилсін ва ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги формуласи аниқлансын.

### Ечими:

Маңсулот ишлаб чиқариш варианtlарини аниқлаймиз: Робинзон 8 соат давомида кокос ёнғоги терими билан машғул бўлса у ҳолда 80 та кокос тера олади, лекин балиқ овлай олмайди. Агар у 8 соатнинг бир соатини балиқ овлашга сарфласа 70 та кокос ёнғоги ва 5 кг балиқ овлайди. Робинзоннинг бир кунлик ишлаб чиқариш варианtlары қуйидаги жадвалда келтирилган:

	Ишлаб чиқариш варианtlары								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Кокос	80	70	60	50	40	30	20	10	0
Балиқ	0	5	10	15	20	25	30	35	40

### Ишлаб чиқариш имконияти чизиги



Робинзон бир соат кокос йиғищдан воз кечса у 10 та кокос ёнғогидан воз кечган бўлади, лекин у қўшимча 5 кг балиқ овлайди. Демак, 10 та кокос ёнғогининг алътернатив қиймати 5 кг балиққа teng.

Робинзоннинг ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги формуласини аниқлаймиз. Робинзон бир кунда  $L$  соат ишлайди дейлик. Шундан  $L_b$  соатни балиқ овлашга,  $L_k$  соатни кокос ёнғоғи йиғишга сарфлайди.

$$\text{Демак, } L_b + L_k = 8 \quad (1)$$

Робинзоннинг кокос ёнғоғи ва балиқ ишлаб чиқариш функцияларини ёзамиш:

$$K = 10 \times L_k \quad B = 5 \times L_b \quad (2)$$

Бу ерда:  $K$  – кокос миқдори (донада);  
 $B$  – балиқ миқдори (кг.да)  
(2)-чи формулалардан  $L_k$  ва  $L_b$  ларни аниқлаймиз

$$L_k = \frac{K}{10} \quad L_b = \frac{B}{5} \quad (3)$$

(3) ни (1) га қўямиз:

$$\frac{B}{5} + \frac{K}{10} = 8 \quad \text{ёки}$$

$$K = 80 - 2 \times B \quad (4)$$

(4) – функция орқали Робинзонни ишлаб чиқариш имкониятлари чизигини ва 8 соатлик иш қунида кокос ва балиқ ишлаб чиқаришнинг барча комбинацияларини аниқлаш мумкин.